

Куч-адолатда

Аёл ила олам юзин обод қил

2021 йил
3 декабрь,
жума
№ 49 (874)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

АҲОЛИ ВА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР БЕРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2 декабрь кuni қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш ва аҳолини уй-жой билан таъминлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Халқимизнинг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида кенг қўлани бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Сўнгги беш йилда 140 мингдан зиёд янги квартира ва яқка тартибдаги уй-жойлар барпо этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 28 ноябрдаги "Ипотека кредити механизмининг такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида мувофиқ, турар жой олиш тартиби оsonлаштирилган эди. Жумладан, аҳолига ўзлари истаган уйни сотиб олиш имконияти яратилди. Натижада соҳага сифат ва рақобат кириб келди, ҳудудларда замонавий архитектура ечимлари эга лойиҳалар пайдо бўлди. Бугунги кунда ипотека дастурлари доирасида йилга 35 минг хонадонли уй-жойлар қурилмоқда.

Шунга қарамай, ипотека бозоридаги тақлиф талабга нисбатан кам. Аҳолида энг кўп талаб бўлган ўрта меъёрдаги уйлар етарли эмас.

Бундан ташқари, жойи ёки нархи аҳолига маъқул бўлмагани учун жами 255 миллиард сўмлик 950 та хонадон сотилмасдан турибди. Айрим вилоятларда ер участкалари ўз вақтида аукционга чиқарилмагани сабабли уй-жойлар қурилиши кечиккан. Оқибатда давлатдан мақсадли кредитлар учун ажратилган маблағ ўзлаштирилмаган. Кўп вилоят ҳокимлари ва уларнинг қурилиш бўйича ўринбосарлари пудратчи танлашда 2-3 та ташкилот билан чекланаётгани сифатга путур етказмоқда.

Самарқандда яхши тизим йўлга қўйилган. Вилоят ҳокимлиги лойиҳачи, қурувчи ва банкнинг "бошини бириктириб", ҳамёнбон уйлар қуришни ташкил этган. Шу боис субсидиядан фойдаланиш кўрсаткичи ҳам, кредитларни ўзлаштириш кўрсаткичи ҳам юқори.

Келгуси йил мамлакатимизда ипотека дастурлари доирасида 50 мингга яқин хонадонли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Бунга қарийб 13 триллион сўм мақсадли кредит ва 1 триллион 300 миллиард сўм субсидия ажратилиши кўзда тутилган.

Йиғилишда шу борадаги чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Аҳоли ва қурувчиларга янги қулайлик ва имкониятлар белгиланди.

Масалан, бугунги кунгача ипотека кредити ва субсидия олишда уй-жой майдони ва нархи билан боғлиқ чекловлар бор эди. Энди бундай чеклов бўлмади.

Сотиб олинмаган хонадоннинг майдони ва нархидан қатъи назар, эҳтиёжманд аҳолига дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун 32 миллион сўм субсидия тўланади. Шунингдек, эҳтиёжманд аҳоли учун давлат томонидан қоплаб берилмаган субсидия миқдори барча ҳудудлар учун бир хил — 10 фоиз этиб белгиланади. Субсидиялар яқка тартибдаги уй-жой қуриш ва таъмирлаш учун олинган кредитлар учун ҳам татбиқ этилади.

Яна бир янгилик — ипотека кредити олишда қариндош бўлмаган фуқароларнинг кафилига ҳам рухсат берилди.

Келгуси йилдан ижтимоий аҳоли оғир хотин-қизлар, чин етимлар ва ногиронлиги бўлганларга иккиламчи бозордан уй олишга ҳам имконият яратилади.

Давлатимиз раҳбари одамларга оson бўлиши учун янги уйлар тўғрисидаги маълумотлар, уларни расмийлаштириш, субсидия ва кредит ажратиш хизматларини бир жойда ташкил этиш бўйича кўрсатма берди.

"Мақсадли ипотека омонати" механизми жорий этилиши белгиланди. Бунда "харидор — банк — қурувчи" ўртасида уч томонлама шартнома тuzилади. Харидор банк орқали қурувчининг молиялаштирилади, банк эса унинг харидорга вақтида топширилишига кафил бўлади.

Шунингдек, пудратчиларга қурилиш тугалланмаган, том қисми ёпилган кўп квартиралар уй-жойларни кредит таъминоти сифатида гаровга қўйишга рухсат берилди. Тадбиркорлик жамғармаси томонидан қурилиш ташкилотларига кафилик ва компенсация тўлаш муддати узайтирилди. Рейтинги юқори бўлган пудратчи ташкилотларга ерни аукциондан сотиб олиш тўловининг аввал 30 фоизини, қолган суммани эса 12 ой давомида бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилди.

Мутасаддиларга ушбу қулайликларни ҳаётга татбиқ этиш, аҳоли ва тадбиркорларга кенг тушунтириш бўйича вазифалар қўйилди.

Бош прокуратурага қурилиш нархларини асоссиз ошириш, рақобатни бузиш, тасдиқланган лойиҳаларни ўзбошимчилик билан ўзгартириш, таниш-билишчиликка йўл қўймаслик устидан қатъий назорат ўрнатиш бўйича кўрсатма берилди.

Йиғилишда қурилиш материаллари нархини арзонлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бунда кластер усули самарали экани қайд этилди.

Масалан, Тошкент ва Навоий вилоятларида шундай кластерлар ташкил этилган бўлиб, қурилиш конструкцияларининг 80 фоизини ўзида ишлаб чиқаради ва пудрат ишларини ҳам ўзи бажаради. Натижада унинг 1 квадрат метри таннари 3,5 миллион сўм бўлмоқда. Бу бошқа қурувчи корхоналарига нисбатан 20 фоиз арзон.

Шу боис ҳар бир ҳудудда қурилиш кластерлари ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Инфратузилма харажатларини қисқартириш учун бу кластерларни мавжуд хомашё ёки йирик корхоналар атрофида ташкил этиш керак. Масалан, Қозғонда ташкил этилган кластер самарасини кўрсатди. Худди шундай, Ўзбекистон туманида 11 та цемент, гипсокартон, газоблок, темир-бетон, металл буюмлар, қуруқ қоришмалар корхоналари ишга туширилмоқда. Уларнинг ёнида логис-

тика, илм ва инновация марказлари, замонавий лаборатория ташкил этиб, бозорни ўрганишни бирлаштириш, экспорт ва ички бозорларда рақобатдош кластер пайдо бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Хорижий экспертлар ҳулосасига кўра, бундай имконият Фориш, Сарисий, Булоқбоши, Қоровулбозор, Пахтачи, Чуст, Оҳангарон каби туманларда ҳам бор. Шу боис мутасаддиларга 24 та тумани қурилиш материалларига ихтисослаштириб, лойиҳаларни амалга ошириш бўйича топширилган берилди.

Келгуси йилда мазкур туманларда геология ишларини ўтказишга 100 миллиард сўм, янги ташкил этилган кластерлар инфратузилмасига 200 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Шунингдек, қурилиш кластерларига айланма маблағ учун 10 миллиард сўмдан револьвер кредитлар, замонавий техника ва ускуналар сотиб олиш учун 2 миллион долларлик узоқ муддатли кредитлар ҳамда 2 йилга божхона имтиёзлари берилмаган бўлди.

Маълумки, қурилиш сифати ва муддати кўп жиҳатдан ишлатилаётган материалларга боғлиқ. Лекин бугунги кунда юртимизда замонавий қурилиш материалларини қўллаш 25 фоизга ҳам етмайди. Аслида замонавий материалларни ишлатиш ҳисобига қурилиш муддатини 30 фоизга, таннархи эса 20 фоизга камайтириш мумкин.

Қурилиш вазирлигига инновацион, энергиятежамкор материалларни шаҳарсозлик меъёр ва қоидаларига киритиш, уй-жойлар барпо этишда улардан фойдаланишни кенгайтириш вазифаси қўйилди.

Архитектура ва қурилиш йўналишидаги олий ўқув юртлирини трансформация қилиш, малака кадрлар тайёрлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

Ў.А

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
Қ А Р О Р И

2021 йил 27 ноябрь № 32 Тошкент шаҳри

Терроризм ва экстремизмни молиялаштиришга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида

Терроризм ва экстремизмни молиялаштиришга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиётига вужудга келган масалалар муносабати билан, шунингдек, мазкур тоифадаги ишларни кўриб чиқишга қонун нормалари тўғри ва бир хилга қўлланилишини таъминлаш мақсадига, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Судларнинг эътибори олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризм ва экстремизмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноят ишларининг ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилиши миллий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.
2. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, терроризм ва экстремизмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноят ишларини кўриб чиқишда судлар жиноят ва жиноят-процессуал қонунлари билан бир қаторда қуйидагиларга амал қилишлари лозим:
Ўзбекистон Республикасининг "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонунига;
Ўзбекистон Республикасининг "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши молиявий чораларни ишлаб чиқиш гуруҳи (ФАТФ) тавсияларига;
Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши молиявий чораларни ишлаб чиқиш гуруҳи (ФАТФ) тавсияларига.

(Давоми 2-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
Қ А Р О Р И

2021 йил 27 ноябрь № 33 Тошкент шаҳри

Кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида

Қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, шунингдек, суд амалиётида масалалар келиб чиққанлиги муносабати билан, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёхуд психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни (бундан буён матнда кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддалар деб юритилади) қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят ишларини кўриб чиқишда, судлар жиноят ва жиноят-процессуал қонунлари билан бир қаторда қуйидагиларга амал қилишлари лозим:
Ўзбекистон Республикасининг "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонунига;
Ўзбекистон Республикасининг "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Қонунига;

(Давоми 2-бетда) ►

Инсонпарварлик тамойиллари

Конституциявий кафолат

ноҳақ айбланган фуқаро олти йилдан сўнг оқланди

Авалло шуну айтиш керакки, Бувайда туманида яшовчи Рустамжон Мамадалиев Бош қомусимиз — мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганнинг 29 йиллигини катта қувонч қутиб олмоқда.

Албатта, бунинг ўзига хос сабаби бор. Гап шундаки, Конституциямизда белгиланган инсонпарварлик тамойили бундан 6 йил муқаддам ноҳақ судланган Рустамжоннинг жонига оро кирди. У Фарғона вилояти судининг 2021 йил 25 ноябрдаги ажримига биноан оқланди.

Хўш, у нега ноҳақ жавобгарликка тортилган эди?
(Давоми 3-бетда) ►

Моҳият

Аёлга эътибор — юксак миллий қадрият



Жамиятимизда аёлнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш ва муаммоларини бартараф этиш, хотин-қизларнинг ўз салоҳиятини намойён этиши учун барча шарт-шароит ва имкониятларни яратиш, гендер тенглик борасидаги ислохотларни янги босқичга кўтаришдек масъулиятли ҳамда шарафли вазифалар олдимизга турибди.

(Давоми 3-бетда) ►

Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда узғиримизни яқин, оғиримизни энгил қилаётган автотранспорт воситаларининг ҳаётимизни тасаввур этиш мушкул. Кенг ва шинам кўчаларимизга ўзгача чирой ва шуқуҳ бағишлайдиган замонавий автоуолвотиб олишни ҳар бир инсон орзу қилади.

Аммо кўпчилик фойдаланиш хусусиятини йўқотган транспорт воситасининг атроф-муҳит ҳамда инсон саломатлигига таъсирини беҳабардир. Шу ўринда табиий савол туғилади: хўш, фойдаланиш хусусиятини йўқотган автотранспорт воситаларининг қандай зарарли жиҳатлари бор?

Долзарб мавзу

Фойдаланишга яроқсиз транспорт воситалари

уларнинг атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига қандай зарари бор?



Авалло, яроқсиз автотранспорт чиндиси атроф-муҳит ва инсон сало-

Бурч ва масъулият


Суд қарорига итоатсизлик

фуқарога қимматга тушиди

Маълумки, Конституциямизнинг 114-моддасига "Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир" дея қайд этилган.

Бу конституциявий қоида мамлакатимизда суд ҳужжатларининг ижросини ўз вақтида таъминлаш ҳар бир шахсининг бурчи эканини аналатади. Аммо...

Аммо ҳаётда бу ҳақиқатни



тан олмайдиган, аниқроғи, тан олишни истамаётган юрдошларимиз ҳам учраб туради. Афсуски, фаолиятимиз давомида шундай кимсаларга тез-тез дуч келамиз.

Хабарингиз бор, ҳамюртла-

римизнинг турмуш фаровонлигини ошириш ва уларга қулайлик яратиш мақсадида тиждорат банклари томонидан автокредитлар бериш тартиби йўлга қўйилган.

(Давоми 4-бетда) ►

(Давоми 3-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

ҚАРОРИ

Терроризм ва экстремизмни молиялаштиришга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида

◀ (Бошланиши 1-бетда)

3. Судларга тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (бундан буён матнда ЖК деб юритилади) 155³-моддасида куйидагилар учун жиноий жавобгарлик белгиланган: террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, фаолият кўрсатишини, террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун шахсларнинг хорижга чиқиш кетиши ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишини, террорчилик ҳаракатини тайёрлаш ва содир этишни моддий ёки молиявий жиҳатдан таъминлаш (бундан буён матнда терроризмни моддий ва молиявий таъминлаш деб юритилади); террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай воситаларни, ресурсларни бериш ёки йиғиш, бошқа хизматлар кўрсатиш.

тасдиқловчи юридик ҳужжатларни тақдим этишда ёхуд уларда иштирок этишда (масалан, банк чеклари, пул ўтказмалари, банк кредитлари, қимматли қоғозлар, облигациялар, векселлар, акциялар, аккредитивлар ва ҳ.к.); террористик ҳаракатларни амалга ошириш учун мўлжалланган бошқа мулкларни тақдим этишда ёки хизматлар кўрсатишда. 6. Террористик фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган мулкий характердаги хизматлар куйидагиларда ифодалангани мумкин: террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланиш учун чипталар сотиб олишда; пул маблағларини, шу жумладан, хайрия нуқоби остида Ўзбекистон Республикасида ёки хориждаги ҳисоб рақамларига ўтказишда; учинчи шахслар орқали пул ва бошқа маблағларни тақдим этишда; террорчилик ташкилотларига қўшилиш учун жўнаб кетаётган шахсларга йўлбошчилик қилишда; террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш учун курол-яроқ, ўқ-дори ва бошқа асбоб-ускуналар тақдим этишда; озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳаётий зарур нарсалар, дори-дармонлар, кийим-бош, анжомлар, алоқа воситалари, транспорт, турар ва нотурар жойлар пул маблағлари тақдим этишда ва ҳ.к. 7. Воситалар, ресурслар тўплаш деганда, терроризмни молиялаштириш учун мўл-

жалланган жиноят предмети-ни излаб топиш ёки жамғаришга қаратилган ҳаракатларни содир этиш тушунилади. Воситалар, ресурслар тўплашда ифодаланган жиноят терроризмни молиялаштириш учун мўлжалланган предметларнинг бир қисми олинган пайтдан бошлаб, бундан олдинган воситаларни тақдим этиш учун реал имконият мавжудлигидан қатъий назар, тугалланган ҳисобланади. 8. Воситалар, ресурсларни тақдим этиш деганда, илгари қонуний ёки оқононуний йўл билан топилган ва терроризмни молиялаштириш учун мўлжалланган жиноят предмети-ни террористик характердаги жиноятларни содир этиш-гача ёки содир этиш жараёнида топшириш тушунилади. Бу қилмиш жиноят предмети амалда тақдим этилган, шу жумладан, почта ёки бошқа алоқа воситалари орқали жўнатилган пайтдан бошлаб, ундан фойдаланиш учун реал имконият мавжудлигидан қатъий назар, тугалланган ҳисобланади. 9. Террористик ташкилот аъзоси бўлган шахс томонидан уни молиялаштиришда ифодаланган ҳаракатлар ЖК 155 ва 155³-моддалари мажмуи билан квалификация қилинади. 10. Тушунтирилсинки, шахсни ЖК 155³-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор деб топиш учун терроризмни молиялаштиришнинг ҳеч бўлмаганда битта факти аниқланганлигининг ўзи етарли. 11. Дастлабки тергов органи ва судлар айбдор-

нинг ҳаракатларини ЖК 155³-моддаси иккинчи қисмининг "а" банди билан квалификация қилишда ЖК 32 ва 34-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя этишлари лозим. 12. Мансабдор шахсларнинг терроризмни молиялаштиришда ифодаланган ҳаракатлари ЖК 155³-моддаси иккинчи қисмининг "б" банди бўйича квалификация қилинади ва ЖК 192¹, 205-моддалари бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди. Мансабдор шахсларнинг ҳаракатларини ЖК 155³-моддаси иккинчи қисмининг "б" банди бўйича квалификация қилишда, айбдор терроризмни молиялаштиришда ўз мансаб ваколатларидан фойдаланганлиги аниқлангани лозим. 13. Айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 155³-моддаси иккинчи қисмининг "а" банди бўйича квалификация қилиш учун икки ва ундан ортиқ шахсларнинг терроризмни молиялаштириш фаолиятини амалга ошириш мақсадида гуруҳга биригилганлиги аниқланган бўлиши керак. 14. Шахсларнинг ҳаракатларида экстремизм белгилари бор-йўқлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар Ўзбекистон Республикасининг "Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни-нинг 3-моддасига амал қилишлари лозим. 15. Қонунга мувофиқ экстремизмни молиялаштириш деганда, куйидагиларга қаратилган фаолият тушунилади: экстремистик фаолиятнинг мавжуд бўлишини ва фаолият кўрсатишини, шахсларнинг экстремистик фаолиятда иш-

тирок этиш учун хорижга чиқиш кетишини ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишини таъминлашга; экстремистик ташкилотларга ёки экстремистик фаолиятга кўмаклашётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағларни, ресурсларни беришга ёхуд йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга. 16. Судларга тушунтирилсинки, ЖК 244¹-моддасининг биринчи қисмида куйидагилар учун жиноий жавобгарлик белгиланган: диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш ёки сақлаш; қиргин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга даъват этиш; диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёхуд намоёниш этиш. 17. Шунинг назарда тутиш кераки, ЖК 244¹-моддасининг иккинчи қисми бўйича жиноий жавобгарлик куйидаги ҳолларда келиб чиқади: диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш; қиргин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга даъват этиш; фуқаролар тотувлигини бу-

зиш, тўхматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш; диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намоёниш этиш. 18. ЖК 241¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар содир этилишини молиялаштиришда иштирок этган шахсларнинг ҳаракатлари, жиноятни бажарувчининг ҳаракатларида келиб чиққан ҳолда, ёрдамчи сифатида квалификация қилинади. 19. Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этишни молиялаштиришда иштирок этган шахсларнинг ҳаракатлари ЖК 244²-моддаси билан квалификация қилинади. 20. Мазкур тоифадаги ишларни кўриб чиқишда, судлар шахсда терроризмни ёки экстремизмни молиялаштиришга қаратилган тўғри қасд мавжудлигини аниқлаши лозим. Жумладан, судлар томонидан шахсларнинг айбини исботловчи далилларга ҳуқуқий баҳо беришда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 ав-

густдаги "Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарорида баён этилган тушунтиришларга амал қилишлари лозим. 21. Терроризм ва экстремизмни молиялаштиришда айбдор деб топилган шахсларга жазо тайинлашда, ҳар бир алоҳида ҳолатда судлар содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олишлари зарур. 22. Терроризмни, экстремизмни молиялаштириш тўғрисидаги иш бўйича муҳокима тамомланганда, судлар иш бўйича ашёвий далиллар тўғрисидаги масалани ЖКП 211-моддасига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги "Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарорида берилган тушунтиришларига амал қилган ҳолда ҳал қилишлари шарт. 23. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар терроризм ва экстремизмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноят ишлари тўғри кўриб чиқилишини таъминласинлар, шунингдек, суд амалиётида мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этилиши юзасидан чоралар кўрсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К. КАМИЛОВ
Пленум котиби, Олий суд судьяси И. АЛИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

ҚАРОРИ

Кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги 818-сонли қарори 1-илова); Яратилиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш фаолияти лицензияланган шарт бўлган портловчи ва захарли моддалар, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотлар, шунингдек, портлатиш воситалари рўйхатига (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 782-сонли қарори 1-илова); Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сонли қарори билан тасдиқланган куйидаги рўйхатларга: Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тақиқланган гиёҳвандлик воситаларининг рўйхати (I рўйхат); Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган гиёҳвандлик воситаларининг рўйхати (II рўйхат); Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган психотроп моддаларнинг рўйхати (III рўйхат); Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган прекурсорларнинг рўйхати (IV рўйхат). 2. Тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (бундан буён матнда ЖК деб юритилади) 251¹-моддасида назарда тутилган кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш деганда, кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, ҳудди шунингдек, кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш деганда, кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноятларга оид ишлар бўйича ашёвий далиллар тўғрисидаги масалани ҳал қилишлари лозим. 24. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноятларга оид ишлар судлар томонидан қонунга мувофиқ кўрилишини таъминласинлар ва суд ҳатоларини ўз вақтида тузатиш юзасидан зарур чоралар кўрсинлар.

моддалардан, ўсимлик ёки ҳайвонот дунёсидан бир мартаба ёки қўллаб олишга қасддан қаратилган ҳаракатлар тушунилиши лозим. 4. Кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда қайта ишлаш деганда, таркибида бир ёки бир неча кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддалар мавжуд қаттиқ ёки суяқ аралашмаларни қўшимча моддалардан тозалаш (рафинация) ёхуд бундай аралашмада кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддалар нисбатини кўпайтириш, шунингдек, бошқа фармокологик актив моддалар билан аралаштириш орқали уларнинг одам организмига таъсирини кучайтириш тушунилиши лозим. 5. Кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда олиш деганда, уларни ҳар қандай усулда олиш, шу жумладан, сотиб олиш, ҳада тарихида ёки бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ёки қарзни узишда ўзаро ҳисоб-китоб воситаси сифатида олиш, шунингдек, бошқа товарлар ёки ашёлар билан алмаштириш, топилмани ўзлаштириш тушунилиши лозим. 6. Кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаш деганда, шахснинг бундай моддаларга қонунга зид равишда эгалик қилиш билан боғлиқ қасддан содир этилган ҳаракатлари (ёнида, бинода, махфий жой ва бошқа жойларда сақлаши) тушунилиши лозим. Бунда шахс кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаш деганда, шахснинг бундай моддаларга қонунга зид равишда эгалик қилиш билан боғлиқ қасддан содир этилган ҳаракатлари (ёнида, бинода, махфий жой ва бошқа жойларда сақлаши) тушунилиши лозим. Бунда шахс кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаш деганда, шахснинг бундай моддаларга қонунга зид равишда эгалик қилиш билан боғлиқ қасддан содир этилган ҳаракатлари (ёнида, бинода, махфий жой ва бошқа жойларда сақлаши) тушунилиши лозим. 7. Кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда олиш деганда, уларни ҳар қандай транспорт туридан ёки ташиш воситаси сифатида қўлланган қандайдир объектдан фойдаланган ҳолда бир жойдан бошқа асбоблар, ишоотлар, технологик комплекслар ва ҳ.к.) оид масалаларни ҳал қилишда судлар тегишли давлат органининг Кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги 818-сонли қарори 1-илова)

ҳолда ташиш тушунилиши лозим. 8. Кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда жўнатиш деганда, шахсларнинг почта алоқаси, ҳаво ёки бошқа транспорт туридан фойдаланиб, уларни почта жўнатмалари, посылкалар ёки юк (багаж) сифатида, шунингдек, ўзи бевосита иштирок этмаган ҳолда бошқа шахс орқали қонунчиликда белгиланган тартибни бузган ҳолда кўчиришга қасддан қаратилган ҳаракатлари тушунилиши лозим. Бунда ушбу қилмишлар учун жиноий жавобгарлик шахсда келгусида мазкур моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш қасди мавжуд бўлганидагина вужудга келади. 9. Кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш деганда, уларни ҳар қандай усулда ҳақ эвазига ёки текинга (сотилиш, ҳада этиш, алмаштириш, қарзи эвазига бериш ёки қарз сифатида бериш ва ҳ.к.) бошқа шахсга бериш тушунилиши лозим. Бунда моддалар шахс томонидан бевосита ёки бошқа усулда (масалан, улар сақланадиган жой ҳақида хабар бериш, шартлашилган жойга қўйиб кетиш) амалга оширилиши мумкин. 10. Айбдор томонидан кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларнинг фақат бир қисми қонунга хилоф равишда ўтказилиб, қолган қисми кейинчалик сувиштирув ёки дастлабки тергов давомида аниқланган ҳолларда, айбдорнинг ҳаракатлари кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларнинг умумий миқдоридан келиб чиқиб, қонунга хилоф равишда ўтказиш сифатида квалификация қилиниши лозим. 11. Кучли таъсир қилувчи ва захарли моддалар миқдорлари, шунингдек, уларни тайёрлаш ёки қайта ишлаш учун мўлжалланган асбоб-ускуналарга (приборлар, аппаратлар, асбоблар, ишоотлар, технологик комплекслар ва ҳ.к.) оид масалаларни ҳал қилишда судлар тегишли давлат органининг Кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги 818-сонли қарори 1-илова)

асосланиб берилган хулосасига амал қилишлари лозим. 12. Агар шахс томонидан кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят таркиби формал бўлганлиги сабабли, мазкур жиноят қонунда кўрсатилган ҳаракатлардан бири содир этилган вақтдан бошлаб тамомланган деб ҳисобланади. 13. Судларга тушунтирилсинки, кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят таркиби формал бўлганлиги сабабли, мазкур жиноят қонунда кўрсатилган ҳаракатлардан бири содир этилган вақтдан бошлаб тамомланган деб ҳисобланади. 14. Айбдорда кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлиги оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозим. Бундай далилларга, масалан, кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддалар фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай моддалар муайян дозада қадоқланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда маҳсус махфий жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги ва ҳ.к. киради. 15. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, кучли таъсир қилувчи ёхуд захарли моддаларни кўп миқдорни ташкил қилмайдиган миқдорда ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, ҳудди шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш учун айбдорлар ҳар қандай ҳолларда ЖК 251¹-моддасининг биринчи қисми билан жиноий жавобгарликка тортилади. Агар мазкур ҳаракатлар айбни оғирлаштирувчи ҳолатларда — тақдоран, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, уюшган

гуруҳ томонидан ёхуд кўп миқдорда содир этилган бўлса, қилмиш тегишли равишда ЖК 251¹-моддасининг иккинчи ёки учинчи қисми бўйича квалификация қилиниши лозим. 16. Кучли таъсир қилувчи ёхуд захарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят таркиби формал бўлганлиги сабабли, мазкур жиноят қонунда кўрсатилган ҳаракатлардан бири содир этилган вақтдан бошлаб тамомланган деб ҳисобланади. 17. Судларга тушунтирилсинки, кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни Ўзбекистон Республикаси боғлиқ жиноят таркиби формал бўлганлиги сабабли, мазкур жиноят қонунда кўрсатилган ҳаракатлардан бири содир этилган вақтдан бошлаб тамомланган деб ҳисобланади. 18. Таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 165¹-моддасининг учинчи қисми билан жавобгарликка сабаб бўлади. Агар бундай ҳаракатлар маъмурий жазо чоралари қўлланилганда сўнг ёки кўп миқдорда содир этилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 186³-моддасининг бешинчи қисми билан квалификация қилинади. 19. Таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини бунга рухсатномаси (лицензияси) бўлмаган дориҳоналарда реализация қилиш кучли таъсир қилувчи моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш сифатида баҳоланиши ва ЖК 251¹-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши лозим. 20. Таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини бериш учун мўлжалланган рецептни уларни шахсан истеъмол қилиш мақсадида қалбақлаштириш ЖК 228-моддаси билан, рецепт бундай воситаларни ўтказиш

мақсадида қалбақлаштирилганда эса, ЖК 228 ва 251¹-моддалари мажмуи билан квалификация қилиниши лозим. 21. Кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш қоидаларини бузиш (ЖК 251¹-моддасининг тўртинчи қисми) одамнинг узоқ муддат давомида касалланиши, атроф-муҳитнинг захарли моддалар билан ифлосланиши ва ҳ.к.ларда ифодаланиши мумкин. Эҳтиётсизлик орқасидан баданга шикаст etkazилиши ёхуд одам ўлиши ЖК 251¹-моддасининг тўртинчи қисми билан қамраб олинади ва ЖК Маҳсус қисмининг инсон ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддалари билан квалификация қилишни талаб этмайди. 22. Судлар мазкур тоифадаги ишлар бўйича жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарорида берилган тушунтиришларга амал қилишлари лозим. 23. Кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноятларга оид ишлар бўйича ашёвий далиллар тўғрисидаги масалани ҳал қилишлари лозим. 24. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноятларга оид ишлар судлар томонидан қонунга мувофиқ кўрилишини таъминласинлар ва суд ҳатоларини ўз вақтида тузатиш юзасидан зарур чоралар кўрсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К. КАМИЛОВ
Пленум котиби, Олий суд судьяси И. АЛИМОВ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Зеро, янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, уларнинг ўз салоҳиятини намойиш этишлари учун шароитларни кенгайтириш, гендер тенглик, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтариш мақсадида Миллий дастур қабул қилинишини таъкидлагани бежиз эмас.

Бу ҳақда сўз борганда, Олий Мажлис Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлисида "Оғир ижтимоий аҳволда қолган хотин-қизлар ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун сенаторлар томонидан қизгин муҳокама қилинган ва маъқуллангани алоҳида қайд этиш лозим.

Мазкур янги қонун Президентимизнинг 2021 йил 19 майда қабул қилинган "Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Мазкур қарорга мувофиқ, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари фаолияти йўлга қўйилди. Янги тузилма Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази негизда, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирилик ҳузурида ташкил этилди.

Айтиш керакки, "Оғир ижтимоий аҳволда қолган хотин-қизлар ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг ай-

рим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун асосида 2020 йил 16 мартда қабул қилинган "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги қонуннинг 24-моддаси еттинчи хатбошига тегишли ўзгариш киритиш кўзда тутил-

Моҳият



Аёлга эътибор — юксак миллий қадрият

моқда. Яъни "Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази" номи ўрнига "Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази" деган номни киритиш назарда тутилмоқда.

Мазкур хатбошини янги таҳрирда баён қилиш зарурати ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келиши мумкин бўлган ноаниқликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, Президентимизнинг тегишли қарорида:

— Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазириликка — оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан, оилавий муаммолар ва турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келган, иш қидира-

ётган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш, касбга йўналтириш чораларини кўриш;

— Соғлиқни сақлаш вазириликка — оила аъзоларига нисбатан зўрлик ишлатилган ҳолат юзасидан ҳуқуқни

ни тиббий кўриқдан ўтказиш, шунингдек, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларни бепул даволаш чора-тадбирларини амалга ошириш вазифалари юклатилган.

Ана шу вазифаларнинг ҳуқуқий асосини яратиш учун "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунга ҳам тегишли ўзгаришлар киритиш устида иш олиб борилмоқда.

Бундан ташқари қарорнинг 9-банди "з" кичик бандидан келиб чиқиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тазйиқ ва зўравонликка учраган ҳамда фуқаролар йиғинларига мурожаат қилган хотин-қизларни ҳимоя қилишга доир чора-тадбирлар белгилаш тўғрисидаги вазифани бажариши тақозо этилади. Шунинг учун "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунга ҳам бу борада қўшимча ва ўзгаришлар киритиш кўзда тутилмоқда.

Эндиликда фуқаролар йиғини тазйиқ ва зўравонликка учраган ҳамда фуқаролар йиғинларига мурожаат қилган хотин-қизларни ҳимоя қилиш чора-тадбирларини белгилайди. Мазкур ҳолат юзасидан тегишли Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларини ҳамда ички ишлар органларини зудлик билан хабардор қилади.

Тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларга гамхўрлик кўрсатиш миллий қадриятларимизнинг ибратли жиҳатларидан бири ҳисобланади. Халқимиз бундай ҳолатга тушиб қолган аёлларни ҳамма эҳтиёт қилган, улар руҳини тиклаш йўлида самарали таъсир чораларини қўллаб келган.

Хулоса ўрнида айтганда, ушбу янги қонуннинг қабул қилиниши зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид белгиланган устувор вазифаларни аниқ ва мақсадли бажарилишини ҳамда ижро интизомини таъминлайди. Шу билан бирга, қонунларни қўллаш амалиётида ноаниқликлар юзага келишининг олдини олади.

Малика ҚОДИРХОНОВА,

Олий Мажлис Сенати

Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси

Долзарб мавзу

Фойдаланишга яроқсиз транспорт воситалари

уларнинг атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига қандай зарари бор?

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ишлатиб бўлинган 1 тонна мотор мойи ёқилганда азот ва олтингурт оксиди, водород хлорид, полиароматик углеводдорлар, хлорбензол ва оғир металлларни ўз ичига олган тахминан 7 минг метр/куб тугунгази ҳосил бўлади. Бу буғлар иммунитет тизимини заифлаштириб, инсон организмга генетик даражада таъсир қилиши мумкин.

Кези келганда шуни айтиш керакки, хорижий давлатларда фойдаланишга яроқсиз ёки эскирган транспорт воситалари учун мажбурий солиқ тўловлари жорий этилган. Бундан кўзланган асосий мақсад — атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва ташландиқ транспорт воситаларини қайта ишлашга жалб этишдир.

Масалан, Германияда транспорт воситаларига мажбурий солиқ тўловлари транспортнинг турти, ишлаб чиқарилган йили, ҳавога зарарли газ чиқариш миқдори, двигателнинг ҳажми ва ёқилгисига қараб жорий этилган. Айтилик, ишлаб чиқарилганга 10 йилдан ошган транспортлар учун солиқ тўловининг миқдори ҳам юқори бўлади.

Буюк Британияда белгиланган тартибга кўра, агар эски транспорт воситаси 100 километр масофа учун ҳавога 225 граммдан зиёд СО₂ — зарарли газ тарқатса, унинг эгаси 1000 фунт-стерлинг миқдорига солиқ тўлайди. Электромобиллар эгалари эса, бундай турдаги солиқлардан озод қилинган.

Буюк Британияда қайта ишлашга топширилган транспорт воситасининг эгасига 500 фунт-стерлинг миқдорига маблағ берилади.

Умуман айтганда, аксарият хорижий давлатларда автотранспорт воситаларини қайта ишлашга кенг жалб этиш мақсадида махсус дастурлар ишлаб чиқилган. Унга кўра, автотранспортни қайта ишлашга топширгани учун махсус чекимлар тақдим этилиб, автотранспорт эгаси янги транспорт воситасини сотиб олишда мазкур чегирмадан фойдаланиши мумкин.

Мисол учун айтсак, АҚШда автотранспорт воситаларини қайта ишлашга жалб этиш ва иқтисодий инқироз даврида мамлакат автомобил бозорини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2009 йилда транспорт воситалари қайта ишлаш махсус дастури ишлаб чиқилган. Унга кўра, эски автотранспорт воситасини қайта ишлашга топширган шахсга янги автотранспорт олиши учун 3500-4000 доллар миқдорда чегирма тақдим этилади.

Мазкур дастур ижросининг дастлабки икки ойи ичида 360 минг эскирган автотранспорт воситаси қайта ишлашга топширилган. Кейинчалик бу дастур бекор қилинди. Бугунги кунда АҚШда маълум талабларга жавоб берадиган транспорт воситаси эгасига янги автотранспорт олиши учун 1000-1500 долларга маблағ берилади.

Германияда ҳам 2009 йилда қайта ишлаш дастури жорий қилинган бўлиб, 1999 йилдан олдин ишлаб чиқарилган транспорт воситаларини утилизацияга топширган шахсларга ярим йил ичида янги транспорт сотиб олиши учун

2500 евро миқдорда чегирма купони тақдим этилади.

Шу ўринда юртимизда бу муаммони ечишнинг қандай йўллари бор, деган ҳақли савол туғилади. Бинобарин, автотранспорт воситасини утилизация қилиш ҳамда қайта ишлаш мазкур муаммони ҳал этишнинг энг самарали усулидир.

Утилизация натижасида автотранспорт воситасининг тегишли қисмлари ажратиб олиниб, қаттиқ жисмлари эритилади. Кейинчалик мавжуд қисмлар қайта ишловчи корхоналарга олиб борилади ва қайта ишланади.

Бугунги кунда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 июнда қабул қилинган "Ғилдиракли транспорт воситалари, ўзинюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун утилизация йиғимини ундириш, қайтариш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига мувофиқ, транспорт воситаларини утилизация қилувчи ташкилот ҳосил бўладиган рангли ва қора металл парчалари, чиқиндиларини қонунчилик ҳужжатлари доирасида рангли ва қора металл парчаларини тайёрлаш ва харид қилиш бўйича яна ваколатли орган — "Ўзқилма-чиранглиметалл" АЖ ва "Ўзметкомбинат" АЖга топширади.

Қабул қилинган металл парчалари учун тўлов эркин-шартномавий нархлар бўйича, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тўлов усулларида амалга оширилади.

Бу борадаги илгор хорижий тажриба ва мамлакатимиздаги транспорт воситаларини қайта ишлаш тизимининг бугунги ҳолатидан келиб чиқиб, мазкур соҳани янада такомиллаштириш бўйича қуйидаги тақлифларни илгари суриш мумкин.

Биринчидан, транспорт воситасини қайта ишлаш ва утилизацияга топшириш бўйича тегишли махсус дастурлар, яъни автомобилнинг ишлаб чиқарилган йили, техник ҳолати ва бошқа мезонларни ишлаб чиқиш лозим. Мазкур талаблар ҳеч қандай белгиланмаган.

Иккинчидан, транспорт воситаларини қайта ишлашга кенг жалб этиш мақсадида уларнинг эгаларига моддий маблағлар тақдим этадиган дастурлар жорий этиш ўринлидир.

Учинчидан, фойдаланиш хусусиятини йўқотган транспорт воситаси чиқиндиларидан фойдаланишни тартибга солиш бўйича тегишли чоралар ишлаб чиқиш мақсада мувофиқдир. Хусусан, ишлатилган автомобил аккумуляторларининг бозорини тартиб солиш ва ишлатиб бўлинган транспорт воситалари мойидан фойдаланиш бўйича тегишли тартибларни белгилаш лозим.

Тўртинчидан, транспорт воситаларини қайта ишлашга кенг жалб этиш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали тушултириш ва тарғибот ишларини олиб бориш зарур. Транспорт воситаларидан ҳосил бўлган чиқиндиларнинг атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига салбий таъсири бўйича турли кўрсатув ва қисқа видеороликлар тақдим этиш аини мудоаодир.

Бобуржон ИЗЗАТУЛЛАЕВ, Адлия вазирилик ҳузуридаги Ҳуқуқий сисбат тадқиқот институти масъул ходими

Инсонпарварлик тамойиллари

Конституциявий кафолат

ноҳақ айбланган фуқаро олти йилдан сўнг оқланди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Маълум бўлишича, аввалига у жиноят ишлари бўйича Бувайда туман судининг 2015 йил 13 майдаги қарори билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 195-моддасига асосан 15 сутка маъмурий қамоқ жазосига тортилди.

Аммо у маъмурий жазо муддати тугагач ҳам қўйиб юборилмади. Аксинча, унинг бошига янада жиддийроқ ташвиш тушади. Аниқроғи, маъмурий жазо муддати тугагач, Р.Мамадалиев бир сутка мобайнида туман ИИБ биносида ушлаб турилади. Эртаси куни — 2015 йил 29 майда Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисмига биноан гумон қилинувчи тарикасида қамоққа олинди.

Дастлабки тергов органи томонидан қўйилган айбловга кўра, Р.Мамадалиев 2014 йил октябрь ойи бошларида Бувайда тумани ИИБ жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлини маси тезкор вакили Азизбек Юнусов билан ўзаро жиноий тил бириктиради. Натижада Р.Мамадалиев туманининг Чирқай қишлоғидаги дала майдоида ўсган наша ўсимлигининг танаси ва баргларида узиб олиб, келгусида сотиш мақсадида А.Юнусовга берган. Тезкор вакил ушбу гиёҳвандлик воситасини хизмат хонасида сақлаб келган. Сўнг 2014 йил октябрь ойи ўрталарида Уктам Рўзиқуловга 12,63 грамм — кўп миқдордаги "марихуана" гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда 50.000 сўмга сотган.

Шундан сўнг ҳар иккала шахсга нисбатан жиноят иши кўзатирилган. Кейинчалик иш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда жиноят иши икки қисмга ажратилган. Дастлабки тергов яқунланган. Р.Мамадалиев жиноят ишлари бўйича Қўштепа тумани судининг 2015 йил 15 сентябрдаги ҳукмига асо-



сан Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми билан айбдор деб топилади ва 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинади. Фақат Олий Мажлис Сенатининг 2014 йил 14 ноябрдаги амнистия акти қўлланилиб, тайинланган жазо учдан бир қисмга қисқартирилади.

Азизбек Юнусовга ҳам ушбу жиноят иши бўйича суднинг 2015 йил 27 майдаги ҳукмига мувофиқ жазо тайинланган. Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти суди қассация инстанциясининг 2018 йил 15 майдаги ажрими билан у айбсиз деб топилиб, оқланган.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, қолаверса, А.Юнусовнинг оқланиши Р.Мамадалиевга катта умид бағишлади. Бинобарин, у химоячиси ёрдамида берган апелляция шикоятисида вақтинча сақлаш ҳибсхонасида ҳамда дастлабки тергов жараёнида ўтказилган жисмоний ва руҳий тазйиқлар остида аслида содир қилмаган жиноят учун икромлик кўрсатмалари берганини маълум қилиб, ўзига нисбатан чиқарилган айблов ҳукмини бекор қилиш ва оқлов ажрими чиқаришни сўради.

Дарҳақиқат, апелляция суди мажлисида унинг ноҳақ судлангани аён бўлди. Суд муҳокамасида биринчи инс-

танция суди Жиноят процессуал кодекси талаблари ва Олий суд Пленумининг тегишли қарорлари талабларига амал қилмагани аниқланди.

Апелляция инстанцияси судида гувоҳлик берган Уктам Рўзиқуловнинг таъкидлашича, у 2014 йил октябрь ойида А.Юнусовдан оқ қоғозга ўралган гиёҳвандлик воситасини 50.000 сўмга сотиб олган. Бироқ ушбу гиёҳвандлик воситасини туман истироҳат боғидаги қурилиши тугалланмаган бино ертўласига отиб юборган. Орадан олти ой ўтгач, тезкор вакилнинг ҳаракатлари ноқонунийлигини билган ҳолда унга қонуний чора кўришни сўраб ариза берган. Судда гувоҳ тарикасида иштирок этган Азизбек Юнусов жисмоний ва руҳий тазйиқлар остида дастлабки тергов ва биринчи босқич судида Рустамжон Мамадалиевни айблагга қаратилган ёлғон кўрсатмалар беришга мажбур бўлганини маълум қилди.

Олий суд Пленумининг жиноят иши юритилган вақтда амалда бўлган, 2004 йил 24 сентябрдаги "Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори (мазкур қарор айна пайтда ўз кучини йўқотганда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан қонунни аниқ бажариш ва унга

қонияти ҳам тугаган. Шу боис юқоридаги далиллар номақбул (яроқсиз) деб эътироф этилди. Бундай ҳолатда Р.Мамадалиевга нисбатан чиқарилган суд ҳукмини қонуний ва асосли деб бўлмайди.

Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасида иш кўзга тилинган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳолат юз бермаган бўлса, унинг қилмишига олиб келиши, номақбул далиллар юридик кучга эга бўлмай, улардан Жиноят-процессуал кодексининг 82-84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмаслиги, кўрсатмалар, шу жумладан, айбига икромлик тўғрисидаги кўрсатмаларнинг қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш ҳамда инсонга нисбатан бошқа шафқатсиз ёки унинг шаъни, кадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш, шунингдек, алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўллар орқали олинган далилларни номақбул деб топилган асос бўлиши тўғрисида тушултириш берилган. Лекин суд дастлабки тергов органи томонидан йўл қўйилган камчиликлар, иш ҳолатларига оидлиқ киритиш жараёнида юзага келган қарама-қаршиликларни бартараф этиш чораларини кўрмаган. Масалан, У.Рўзиқулов ташлаб юборган гиёҳвандлик воситасини назорат остида олиш тадбири ўтказилмаган. Қолаверса, қурилиши тамомланмаган бинонинг зах ертўласидан беш ойдан кейин топиладиган наша ўсимлигининг япроқ қолдиқлари яшил рангдалиги (бу суд-кимёвий экспертизасининг 2015 йил 30 мартдаги 116-сонли хулосасида қайд этилган), ханузгача қуруқ ҳолатда экани ҳамда ўралган қоғози ранги оқлигича турганига эътибор қаратмай, Р.Мамадалиевни айбдор деб топиб, нотўғри хулосага келган. Бу ҳолат "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 14-моддаси талабларига ҳам зиддир.

Бундан ташқари айна пайтда иш бўйича Рустамжон Мамадалиевнинг айбини тасдиқловчи далилларни тўплаш им-

Тўлқинжон ТўРАҚУЛОВ, Фарғона вилояти суди судьяси

конияти ҳам тугаган. Шу боис юқоридаги далиллар номақбул (яроқсиз) деб эътироф этилди. Бундай ҳолатда Р.Мамадалиевга нисбатан чиқарилган суд ҳукмини қонуний ва асосли деб бўлмайди.

Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасида иш кўзга тилинган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳолат юз бермаган бўлса, унинг қилмишига олиб келиши, номақбул далиллар юридик кучга эга бўлмай, улардан Жиноят-процессуал кодексининг 82-84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмаслиги, кўрсатмалар, шу жумладан, айбига икромлик тўғрисидаги кўрсатмаларнинг қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш ҳамда инсонга нисбатан бошқа шафқатсиз ёки унинг шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади" дея қайд этилган.

Шунингдек, Конституцияимизнинг 26-моддасига мувофиқ жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахсининг иши судда қонуний тартибда, ошқорча қўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча, у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилди. Асосий қонунимизнинг айна шу қоидалари инсонпарварликнинг энг ёрқин намунасидир. Бугун оқланиб, қариндош-уруғ, қўни-қўшни ва таниш-билишлари орасида юзи ёрғ бўлган Р.Мамадалиевнинг қўшалоқ байрамга ҳозирлик қўраётганининг боиси шунда. Унинг шуқуҳи узоқ вақт давом этиши шубҳасиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Конституцияимизнинг 13-моддасида "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принциплари асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади" дея қайд этилган.

Шунингдек, Конституцияимизнинг 26-моддасига мувофиқ жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахсининг иши судда қонуний тартибда, ошқорча қўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча, у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилди. Асосий қонунимизнинг айна шу қоидалари инсонпарварликнинг энг ёрқин намунасидир. Бугун оқланиб, қариндош-уруғ, қўни-қўшни ва таниш-билишлари орасида юзи ёрғ бўлган Р.Мамадалиевнинг қўшалоқ байрамга ҳозирлик қўраётганининг боиси шунда. Унинг шуқуҳи узоқ вақт давом этиши шубҳасиз.

Жиноят ва жазо

Товламачи тўртлик

қонуний жазога мажбум этилди

2020 йил 14 октябр кун ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш учун ўқибган Мафтуна Орифжонова (исм-шарифлар ўзгаририлган) кеч бўлса-да, уйга қайтмади.

Бундан онаси Б.Адашева ҳавотирга тушиб унинг қўнғироқ қилди. Аммо қўнғироғи жавобсиз қолди. Орадан бир соатча ўтиб, онаизор яна сим қоқди. Бунга жавобан нариги томондан қизил тугма босилди. Бироздан сўнг "SMS"

хабар келди: "Аяжон кечиринг, мен сизга нолойиқ фарзандман. Мен уйга боролмайман, товламачиларнинг қўлига тушиб қолдим. Ишончгиндир оклай олмадим. Мени қидирманглар".

(Давоми 4-бетда) ▶

Хикмат

Донолар дейдиларки:

Донолар бисотини ўрганиш бизни юксакликка кўтариб, қудратли ва олижаноб инсонга айлантиради.

Муҳаббат фаолиятга, курашга чорлайди.

Ўзгалар қалбини овламоқчи бўлсанг, яхшилик қилганига одатлан.

Курашда матонатли кишилар ютиб чиқади.

Меҳнат одамлар учун ҳузур ҳаловатдир.

Ўзини тўта билдирган кишигина эркиндир.

Китоблар бизни ўтмиш асрлар маънавий ҳаётининг ворисларига айлантиради.

Ўзгага қилган мурувотингни бўғмага ҳам, душманга ҳам мақтанма.

Ҳақиқий бойлик мол кўпчилиги эмас, кўнгли тўқчилигидир.

Чин бўст хашинадир.

Бурч ва масъулият

Суд қарорига итоатсизлик


фуқарога қимматга тушиди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бу хайрли ва эзгу иш акциядорлик тижорат "Капиталбанк" ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан ҳам амалга ошириб келинмоқда.

Марғилон шаҳрида яшовчи М.Машкурова ҳам яратилган ана шу имкониятдан фойдаланган ҳолда банкнинг Фарғона филиалига мувожаат қилди. Натижада 2021 йил 3 февраль куни банк филиали ҳамда М.Машкурова ўртасида 111/1852-сонли кредит шартномаси имзоланди. Шунга биноан, банк 36 ой муддатга, йиллик 23 фоиз устамга тўлаш шарт билан миқдори 78.000.000 сўм миқдорда кредит маблағи ажратди. М.Машкурова эса, муддатли мажбуриятнома ва кредитни қайтариш жадвалига мувофиқ ҳар ойнинг 15 санасига қадар асосий қарз ва фоизларини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олди.

Гарчи М.Машкурова ўзиният қилган автомобилни олиб, ундан фойдаланиб юрган бўлса-да, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни тўлаш ҳаёлига ҳам келтирмади. Ҳатто М.Машкурова банк филиали томонидан юборилган оғохлатириш хатларига ҳам беписандлик билан қаради. Охир-оқибат Савдо-сановат палатаси Фарғона вилояти бошқармаси томонидан "Капиталбанк"нинг Фарғона филиали манфаатини кўзлаб, жавобгардан кредит маблағи ҳамда унга ҳисобланган фоизлар билан қўшиб ҳисоблаганда жами 82.802.771 сўмни ундириш юзасидан



фуқаролик ишлари бўйича Марғилон туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Буни қарангки, кредит қарзини тўламаган аёл суд мажлисига ҳам келмади. Шу боис Фуқаролик процессуал кодексининг 280-моддасига кўра, уни унинг иштирокисиз қўриб чиқилди.

Айтиш керакки, Фуқаролик кодексининг 744-моддасида "Кредит шартномаси бўйича бир тараф — банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса, олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади", дея қайд этилган.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги "Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик ҳужжатларини қў-

лашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарори 4-бандида борада батафсил тушунтириш берилган.

Бундан ташқари томонлар ўртасида тузилган кредит шартномасининг 5.4-бандида кредитни қайтариш графиги-га риоя этмаслик натижасида кредит ва унга ҳисобланган фоизлардан қарздорлик вужудга келганида банк кредитни муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш ва ундирувни кредит таъминоти-га қаратиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган. Ана шу асосларни инобатга олган суд даврони қаноатлантириб, М.Машкуровадан банк филиали фойдасига 84.402.000 сўм ундириш ҳамда ундирувни гаровга қўйилган, 2020 йилда ишлаб чиқарилган "NEXIA 3" русумли автомобилга қаратиш тўғрисида ҳал қилган қарори қабул қилди.

Шундан сўнг Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Марғилон шаҳар бўлими томонидан ижро ҳаракатлари бошланди. Ажабланишли томони шундаки, на қонунни менсимасан, на ўзини ҳурмат қилмасан М.Машкурова суд қарори ижрога қаратилгунга қадар гаровдаги автомобилни яшириб қўяди. Бинобарин, бўлим томонидан автомобилга

нисбатан қидирув эълон қилинади. Қидирувда "NEXIA 3" автомобиласи Фарғона шаҳрининг Ойбек кўчасидан топилиб, жарима майдончасига олиб келинди. Уддабуронликни қарангки, суд қарори ижросидан бўйин товлаш мақсадида автомобилнинг давлат белгиси алмаштириб қўйилган экан. Энди транспорт воситаси аукцион орқали сотилиб, пули қарздорликни қоплашга йўналтирилади.

Шу ўринда яна бир гап. Ижро ҳаракатлари мобайнида М.Машкуровадан қарздорликнинг 5 фоизи — 4.221.000 сўм миқдорда ижро йиғими ва базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари — 1.370.000 сўм миқдорда жарима ҳам қўшимча равишда ундириб олинди. Агар суд қароридида белгиланган 3.376.080 сўм давлат божи билан қўшилса, жавобгар кредит қарзидан ташқари яна 8.967.080 сўм маблағ тўлайди.

Кўриниб турибдики, биргина шартномавий мажбуриятни бажармаслик ёки суд қарорига итоатсизлик фуқарога жуда қимматга тушиди. Шундай экан, гайриқонуний иш ҳаммаси ташвиш келтиришини эсдан чиқармаслик керак.

Ҳамдамжон ҲАКИМОВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Марғилон туманлараро
суди судьяси
Шокиржон СУЛТОНОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
Мажбурий ижро бюросининг
Марғилон шаҳар бўлими
бошлиғи

Қизиқарли фактлар

Энг оммалашган илмий хатолар

Америкадаги машҳур "Ливе Ссиэнс" журнали ўқувчилар орасида сўров ўтказиб, қандай хато илмий қарашлар одамлар ҳаёт тарзига чуқур сиғиб кетганини аниқлади. Шундан сўнг олимлар бу каби "афсона"ларни шарҳлашди. Энг машҳур хато илмий қарашлар қуйидагилардан иборат:

Ернинг жанубий ярим шарига гирдоб тескари айланади
Бу фикр кўпдан буён одамлар орасида юради. Кўпчилик бу фикрнинг тўғри эканига шубҳа қилмайди. Аммо бу илмий жиҳатдан ўта янглиш

гирда юргун одамнинг кийими камроқ ҳўл бўлиши маълум бўлган. Аслида бунинг сабаби жуда оддий бўлиб, ў ёмғир асосан либоснинг олд томонига тушиши билан изоҳланади.

Яшин бир жойга икки марта тушмайди
Бу ўз исботини топмаган фикр. Аслида ҳаётда бунинг бутунлай тескариси кузатилади. Одатда, яшин кўпроқ баланд жойларга тушади. Шу сабабли эндигина яшин урган даракнинг тағига бекиниш тўғри ҳаракат эмас. Осмонўпар биноларга йилига ўртача 25 марта яшин тушиши аниқлангани ҳам бунинг исботидир.

Ҳайвонлар табиий офатларни олдиндан сезади

Ушбу фикр ҳам жуда тўғри эмас. Чунки фанда ҳайвонларда "олтинчи сезги" мавжудлиги ҳақида ишончли далиллар йўқ. Бироқ аёло даражадаги ҳид билиш, эшитиш ва кўриш, шунингдек, инсонлардан кўра яхши ривожланган туғма инстинктлар ҳайвонларга яқинлашадиган хатарни сезиш имконини беради. Шунинг учун жониворлар бўрон ёки денгиз кўтарилишларига жуда сезгир. Шундай бўлса-да, табиий офатлар туфайли кўплай ҳайвонлар нобуд бўлиши ҳам айна ҳақиқат.

Инсон миясининг фақат ўн фоизи ишлайди
Ушбу тушунча салкам бир асрдан буён мавжуд. Бу илмий жиҳатдан нотўғри фикр. Мияни магнит ёрдамида тадқиқ қилиш натижалари кўрсатишича, бош миянинг каттагина қисми инсон танасининг ҳаракатланишида фаол қатнашади. Бундан ташқари одам хатто ухлаётган пайтида ҳам мияси ишлаб туради.

Осмонўпар бинодан ташланган танга хавфлими?
Бу фикр ҳам нотўғри. Оддий танга аэродинамика нуқтаи назаридан жуда хавфли эмас. Шамол ва ҳаво қарши-



лиги туфайли хатто Эмпире Стате биноси (380 метр)дан ташланган танга ҳам одамга жиддий шикаст етказмайдми.

Катта ёшдагилар миясида хужайралар ўсиши тўхтайдми
Бу ҳам хато қараш. Гарчи инсон мияси кичик ёшда фаол ривожланса-да, хужайралар кўпайиши катта ёшда ҳам тўхтамайди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, нейронлар инсон вафот этгунинга қадар ўсиш ва ўзгаришда давом этади. Шу боис барчада янаям ақллироқ бўлиш имконияти ҳамма вақт мавжуд.

Эснаш "юқади"
Бу қараш мантиқдан ҳақиқатга яқин. Чунки тажрибадан маълумки, бир киши кутилмаганда эснаса, у атрофидагиларга ҳам юқади. Бу илмий нуқтаи назардан қанчалик тўғрилигини айтиш мушкул. Аммо баъзи олимларнинг фикрича, ёнимиздаги одамнинг эснашини қайтариш рефлексии аввалдан мавжуд.

Ёмғир остида югурилса, камроқ ҳўл бўлади
Математика нуқтаи назаридан бу тўғри фикр. Бу тахминни текшириш учун махсус математик ҳисоблашлар ўтказилганда ҳақиқатдан ҳам, ём-

ғирда югурган одамнинг кийими камроқ ҳўл бўлиши маълум бўлган. Аслида бунинг сабаби жуда оддий бўлиб, ў ёмғир асосан либоснинг олд томонига тушиши билан изоҳланади.

Буюк Хитой девори — космосдан кўринадиган ягона инсон кўли билан яратилган объект
Бу фикр ҳам нотўғри. Чунки космонавтлар қуйи орбитадан инсон яратган кўплай объектларни кўриши мумкин (Масалан, Миср эҳромлари ёки йирик аэропортларнинг учиб-қўниш йўлакчалари). Аммо айнан Хитой девори-

нинг қаерда эканини кўриш жуда мушкул. Қолаверса, бу деворни ойдан кўришининг мутлақо имкони йўқ.

Ер ва кўёш ўртасидаги масофа фаслларни ўзгарилади
Бу фикр ҳам ҳақиқатдан йироқ. Ердан кўёшга бўлган масофа сайёраларнинг орбита бўйича ҳаракати туфайли ўзгаришига нисбатан ердаги ҳаракатга кам таъсир кўрсатади. Ҳамма гап ер шарининг кўёшга нисбатан қиялик бур-



чагига боғлиқ бўлиб, бу фасллар алмашинувида таъсир қилади. Бир қарашда ҳаммаси оддий, бироқ бу ҳалиям кўпчиликка тушунарсиз.

Интернет материаллари асосида Хумоюн Мирзо тайёрлади.

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Бу хабарни ўқиб, Б.Адашевнинг ҳуши бошидан ўчди, кўркувга тушиб қолди. Аммо она тезда ўзини кўлга олиб, қизига хабар юборди. "Болам, уйга қайт. Сендан ким нима талаб қилаётган бўлса, берамиз. Фақат бебошлик қилиб қўйма!"

Шундан сўнг тунда М.Орифжонова уйга келди ва уввос солиб йўлаганча рўй берган воқеани гапириб берди.

Унинг сўзларига қараганда, 2019 йил ноябрь ойининг охирларида у "Instagram" ижтимоий тармоғи орқали Яшнобод туманида яшовчи Искандар Ҳомидов билан танишиб қолади. Орадан кўп ўтмай ёшлар бир-бирига боғланиб қўлишади.

— Сенга уйланаман, яқинда совчи юбораман, — дея Искандар куюк ваъда беради.

Соддадил қиз унинг сўзларига шубҳа қилмайди. Шундай кунларнинг бирида И.Ҳомидов автоҳалокатга учраб, уйда ётганини айтиб, М.Орифжоновани хонадонига чақиради. Мафтуна бу нохуш хабарни эшитиб, хавотирга тушади ва дарҳол йигитнинг уйига етиб боради. Аввалга Искандар уни самимий кутиб олади. Бироздан сўнг йигитнинг асл муддаоси маълум бўлади.

— Барибир сенга уйланаман, ўзингни олиб қочма, — дейди Искандар.

Бирон-бир ёмонликни ҳаёлига келтирмаган Мафтуна йигитнинг сўзларидан сархуш бўлганча еттинчи осмонда учиб юрарди.

Айни шу лаҳзаларда Искандарнинг гаразли мақсади аён бўлади: у қизни ярим яланғоч ҳолатда яширинча видеотасвир ва суратга олади. Кейин эса, ана шу видеотасвир ва суратларни кизга кўрсатиб, товламачилик йўлига ўтади.

— Менга пул керак. Агар бермансанг, видео ва расмларингни отанангга кўрсатаман. Қолаверса, тарқатиб ҳам юбораман, — дея у дағдага қилади.

Буни эшитиб, Мафтуна қаттиқ кўркувга тушиб қолади. Айниқса, у ота-онаси олдида шарманда бўлишини уйлаб, кўз олди қоронғи тортиб кетди ва Искандарнинг талабига дарров розилик билдиради.

Оқибатда И.Ҳомидов Мирзо Улуғбек туманидаги "Наврўз" деҳқон бозори ёнида нархи 3.500.000 сўмлик икки дона тилла тақинчоқни товламачилик билан қўлга киритади. Бироқ бу билан унинг нафси қонмайди. Аксинча, ҳалиги видеотас-



Товламачи ўртлик қонуний жазога маҳкум этилди

вир ва суратларни Бўка туманида жойлашган манзил колонияда жазо муддатини ўтаётган таниши Адиз Саминжоновга ҳам телефон орқали юборади. Буни қарангки, ўша пайтда содир этган жинояти учун жазо муддатини ўтаётган А.Саминжонов мўмай пулнинг дарагини эшитиб шошиб қолади. Натижада Адиз Искандар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, 2020 йил сентябрь ойига қадар М.Орифжоновдан товламачилик йўли билан 10.000 АҚШ доллари миқдорда маблағ ундиришади. Лекин...

Лекин ҳаммаси шу билан якун топмади. Мафтунанинг бошида яна бир гаф бор экан. Гап шундаки, 2020 йил июль ойида у "Telegram" ижтимоий тармоғи орқали яна бир йигит билан танишиб қолади. Йигит ўзини Шоҳруҳ деб таништиради. Аслида янги таниши ўғил бола эмас, балки Олмазор туманининг Қорақа-

миш даҳасида истиқомат қилувчи Умринисо Акбархўжаева эди.

Кискаси, шундан сўнг суҳбатлар асосида "Шоҳруҳ" Мафтунадан илгарги Искандар исми йигит билан учрашиб, гаплашиб юрганини билиб олади. Қолаверса, соддадил

миш даҳасида истиқомат қилувчи Умринисо Акбархўжаева эди. Кискаси, шундан сўнг суҳбатлар асосида "Шоҳруҳ" Мафтунадан илгарги Искандар исми йигит билан учрашиб, гаплашиб юрганини билиб олади. Қолаверса, соддадил

миш даҳасида истиқомат қилувчи Умринисо Акбархўжаева эди. Кискаси, шундан сўнг суҳбатлар асосида "Шоҳруҳ" Мафтунадан илгарги Искандар исми йигит билан учрашиб, гаплашиб юрганини билиб олади. Қолаверса, соддадил

миш даҳасида истиқомат қилувчи Умринисо Акбархўжаева эди. Кискаси, шундан сўнг суҳбатлар асосида "Шоҳруҳ" Мафтунадан илгарги Искандар исми йигит билан учрашиб, гаплашиб юрганини билиб олади. Қолаверса, соддадил

миш даҳасида истиқомат қилувчи Умринисо Акбархўжаева эди. Кискаси, шундан сўнг суҳбатлар асосида "Шоҳруҳ" Мафтунадан илгарги Искандар исми йигит билан учрашиб, гаплашиб юрганини билиб олади. Қолаверса, соддадил

миш даҳасида истиқомат қилувчи Умринисо Акбархўжаева эди. Кискаси, шундан сўнг суҳбатлар асосида "Шоҳруҳ" Мафтунадан илгарги Искандар исми йигит билан учрашиб, гаплашиб юрганини билиб олади. Қолаверса, соддадил

миш даҳасида истиқомат қилувчи Умринисо Акбархўжаева эди. Кискаси, шундан сўнг суҳбатлар асосида "Шоҳруҳ" Мафтунадан илгарги Искандар исми йигит билан учрашиб, гаплашиб юрганини билиб олади. Қолаверса, соддадил

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси

Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ
Робохан МАХМУДОВА
Халилullo ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДОРОВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилми: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: акка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-1215 Қорғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 4305
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 22³⁰.